



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2015 йил 19 февраль, № 34 (6217)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуг инсонлар, айниқса, 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ва аъёнлари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек, 2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан:

1. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурини амалга оширишнинг устувор вазифи ва йўналишлари эътиборга олинганлиги белгилансин:

кексаларга гамжўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуг инсонларга давлат хизматлари, шу жумладан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматлари кўрсатишнинг энг қулай тизимини шакллантириш;

кексалар, авваломбор, фашизм устидан қозонилган ғалаба ва Ватанимизни қайта тиклашга муносиб ҳисса кўшган 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёши улуг инсонлар, бириччи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший

хизматлар рўйхатини кенгайтириш, уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш учун маҳаллалар, «Нуроний» жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш миқёсини ошириш;

фахрийлар ва ёши улуг инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кўпайтириш, кўриш ва эшитиш органлари, таянч-ҳаракат тизими ва юрак-қон томир касалликларини даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан, жумладан, имтиёзли асосда таъминлаш, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санаторий-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш;

мамлакатимизнинг муҳофаза қилиниши, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, жамиятимизда тинчлик, тотувлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса кўшган, соғлом ва баркамол унинг-ўсаётган авлоднинг тарбиялашда фаол иштирок этаётган кекса авлод вакилларига муносиб эътибор қаратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни тизимли асосда амалга ошириш, оила ва жамиятда ёши улуг инсонларнинг ўрни ва обрўсини ошириш, болалар ва ёшларни ота-оналарни, ҳар бир нуронийни чуқур ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва улар-

га гамжўрлик кўрсатиш туйғуси руҳида тарбиялаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш;

ҳар бир кексага ҳар томонлама эътибор қаратиш бўйича амалга оширилган ишлар самарадорлигини кучайтириш ва ошириш, кексаларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бунда улар учун туман ва маҳаллаларда мулоқот марказлари, қизиқиши бўйича клублар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш, телевидение, оммавий ахборот воситалари, кинотеатрлар, театр ва бошқа маданий-маърифий муассасаларда ёши улуг инсонларнинг қизиқишларига мос мавзуда янги махсус кўрсатувлар, спектакль ва фильмлар яратиш ва эфирга узатиш ҳажминини кўпайтириш;

маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий тузилмасида кексалар ва ногиронларга доимий эътибор қаратадиган секторни мустаҳкамлаш, бунда уларга хизмат кўрсатадиган идора ва хизматлар, бириччи навбатда, пенсия, ижтимоий ва тиббий таъминот хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни назарда тутиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 12 декабрдаги 4393-фармойишига мувофиқ тузилган Республика комиссияси томонидан манфаатдор вазирилик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика комиссиясига (Ш. Мирзиёев) «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурига киритилган тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш юклансин.

Республика комиссияси: бир ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этилишини таъминласин ва уларнинг зиммасига Давлат дастурида белгиланган вазирилари сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин;

икки ҳафта муддатда вазириликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва бошқа ҳужалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирилик ва идора, ҳудуд, шаҳар, туман ва аҳоли пунктларининг «Кексаларни эъзозлаш йили» бўйича ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

республика давлат ва ҳужалик бошқаруви органлари, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари даражасида тасдиқланган Давлат дастурига киритилган тадбирларни ўз

вақтида ва сифатли бажариш бўйича ишларни мувофиқлаштириш ва ушбу тадбирлар амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

ҳар чорак яқунлари бўйича «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирлар бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот бериб бориш.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги:

босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет-ресурсларни жалб этган ҳолда, аҳоли ўртасида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазирилари, уни амалга ошириш бўйича асосий йўналишлар ва чора-тадбирлар мунтазам ва кенг қўламли ёритилишини;

давлат ва ҳужалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишдаги иштироки ва қўшган аниқ ҳиссасини акс эттирган ҳолда, Давлат дастурининг бажарилиши ҳақида кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб боришни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 18 февраль

29 МАРТ — САЙЛОВ КУНИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловолди ташвиқоти доирасида мамлакатимиз ҳудудларидан сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

2-саҳифага қаранг. >>>

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — ЭЛ-ЮРТИМИЗ ФАРОВОН КЕЛАЖАГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси ҳал қилувчи босқичга кирди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олган сўнг сайловолди ташвиқоти бошланди. ЎЗА мухбири Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-Улугбек АБДУСАЛОМОВ билан ушбу муҳим сиёсий жараёнга кўрилаётган тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар ҳақида суҳбатлашди.



— Асосий Қонунимизда Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафолати экани мустаҳкамлаб қўйилган, — деди М. Абдусаломов. — Шу йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ватанимизнинг янги тарихида фозт муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир. Зеро, мамлакатимиз келажиги, унинг янада тараққий топиши сайловнинг барча иштирокчиларининг фаоллиги, сиёсий етуқлиги ва пировард натижада сайловчилар қабул қиладиган қарорга боғлиқ.

Шу муносабат билан сайловга энг юксак ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник даражада тайёргарлик кўриш, уни миллий сайлов қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда очик-ошкора ва адолатли ўтказиш катта аҳамият касб этади. Бунинг учун мамлакатимизда барча зарур шарт-шароит яратилган.

Маълумки, сайловлар — бу кучли фуқаролик жамиятига эга демократик-хуқуқий давлатнинг узвий белгиси бўлиб, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаёти, давлат ва жамият бошқарувида ва давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирокчиларнинг асосий шаклидир.

Шу боис демократия талаблари ва мустақил тараққиётимиз шартларига мос, фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин ва фаол иштирок этишини таъминлайдиган, сайлов ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришнинг ишончли кафолати бўлган замонавий сайлов тизимининг яратилиши истиқлол йилларида мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди.

Амалга оширилаётган ўзгаришлар ва уларнинг самарадорлиги, аввало, ислохотларнинг «Ўзбек

моделли» тадрижий хусусиятга эга экани билан боғлиқдир. Бундай ислохотлар демократик сайлов тизимини шакллантириш соҳасида ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мазкур тизимнинг мустаҳкамлиги, барқарорлигини таъминлади ва шу тариқа давр ва ислохотларни чуқурлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда, янада такомиллаштириш имкониятини яратди.

— Бу йил ўтаётган Ўзбекистон Республикаси Президент сайлови ўзига хос қандай хусусиятларга эга?

— Президент сайлови бўйича 2015 йилги сайлов кампанияси сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий шароитлар, партияларaro рақобат, аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги кучайиб бораётган бир шароитда ўтмоқда.

Ўзбекистонда кенг қўламли ислохотларни касб этади. Бунинг учун мамлакатимизда барча зарур шарт-шароит яратилган. Маълумки, сайловлар — бу кучли фуқаролик жамиятига эга демократик-хуқуқий давлатнинг узвий белгиси бўлиб, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаёти, давлат ва жамият бошқарувида ва давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирокчиларнинг асосий шаклидир.

Шу боис демократия талаблари ва мустақил тараққиётимиз шартларига мос, фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин ва фаол иштирок этишини таъминлайдиган, сайлов ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришнинг ишончли кафолати бўлган замонавий сайлов тизимининг яратилиши истиқлол йилларида мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди.

Амалга оширилаётган ўзгаришлар ва уларнинг самарадорлиги, аввало, ислохотларнинг «Ўзбек

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР

мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда



Шоҳруҳ ШАРАПОВ олган сурат.

Бугун олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида юртимизнинг барча ҳудудидан бўлгани каби Хоразм вилояти иқтисодиёти тармоқларида ҳам юқори ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

ҚАРОЛ ВА ИЖРО

Айниқса, sanoat soҳasida янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш, юксак технологияларга асосланган янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти.

Пировардида хорижнинг илгор ҳамда тежамкор технологияларига эга корхоналар сони тобора кўпайиб, улар ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириб бораётгани, экспорт салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2012 йил 22 ноябрдаги «2013 — 2015 йиллар-

да Хоразм вилояти sanoat салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ушбу ҳужжатга асосан, шу давр мобайнида қиймати 462,2 миллион АҚШ долларлик 253 та янги лойиҳани, жумладан, 94 та озик-овқат маҳсулотлари, 57 та қурилиш материаллари, 69 та энгил sanoat ва бошқа турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда 33 та машинасозлик йўналишларидаги лойиҳани рўёбга чиқариб, қарий 9 мингта иш ўрнини яратиш кўзда тутилган эди.

(Давоми 2-бетда). >>>

МУНОСАБАТ

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини мустаҳкамлашда парламентнинг ўрни алоҳида эътироф этилиб, бу соҳада қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатлари юртимизни ижтимоий-иқтисодий тараққий топтириш, жамиятимизда манфаатлар мувозанатини таъминлашда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтиргани қайд этилди. Шунингдек, парламент фаолиятида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазибалар белгилаб берилди.

Қонун ижросига масъуллик — фаолият мезони

Дарҳақиқат, кейинги йилларда қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилаётган, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда муҳим ўрин тутадиган қонунлар фуқароларнинг кундалик турмушида қай тарзда акс этаётганини, аҳоли турли қатламларининг бу ҳақдаги тақлиф-мулоҳазаларини ўрганиб бориш зарур. Ана шу ўрганишлар асосида парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари режаларини замон талабларига ҳам-оҳанг равишда такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масаладир. Шу-бҳасис, шу ўринда парламент аъзолари билан бир қаторда, журнал-листлар, шарҳловчилар, умуман, оммавий ахборот воситаларининг масъулиятини кучайтириш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш муҳим аҳамиятга

эга эканини унутмаслик лозим.

Олий Мажлис Сенати аъзолари бу борада ташаббус ҳамда фаоллик кўрсатишлари мақсадга мувофиқ. Сенат маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларидан иборат бўлган парламент палатасидир. Бу билан умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш мақсад қилиб қўйилган. Ана шунини эътиборга олсак, қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириш, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан парламент назоратини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳасида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ушбу мақсадлар рўёбидан алоҳида ўрин тутайди.

(Давоми 2-бетда). >>>

(Давоми 3-бетда). >>>

